FINTIME
MChJ shaklidagi
AUDITORLIK TASHKILOTI

An audit firm in the form
of **FINTIME LLC**

, Toshkent shahar, Mirobod tumani, Shahrisabz ko'chasi-36 uy
Tel.: (+998) 94-446-03-07, faks: (+998) 97-446-03-07
e-mail: Z_XY-77@mail.ru

AUDITORLIK TASHKILOTI

36,Sahrisabz street. Mirabad district, Tashkent,
Phone: (+998) 97-446-03-07, fax: (+998) 97-446-03-07
e-mail: : Z_XY-77@mail.ru

HR: 2020 8000 6045 3715 8001 XATB, Yunusobod filiali
MFO: 01075, STIR: 308 852 209

№ _____ «07» мартъ 2022 y.

МУСТАҚИЛ АУДИТОР ХУЛОСАСИ

Тошкент шаҳар

Аудиторлик хулосаси йўлланди:	«OQ OLTIN DON MAHSULOTLARI» АЖ Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани, Ёшлик қўрғони х/р: 2020 8000 9001 9428 8001, "Агробанк" АТБ Гулистон филиали. МФО: 00365, ИНН: 200 309 810, *ИФУТ*: телефон: (0-367)227 31 15; 227 90 91
Аудиторлик хулосаси тузилди:	МЧЖ «FINTIME» АТ Тошкент ш, Миробод т-ни, Шахрисабз кўча 36 уй. х/р 2020 8000 6045 3715 8001, ХАТБ «Ориент Финаис Банк» Юнусобод ф-ли, МФО: 01075; ИНН:308 852 209; ОКЭД: 69201. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2021 йил 09 ноябрда аудиторлик ташкилотлари реестрига киритилган телефон: (+99897) 446-03-07.

Биз «OQ OLTIN DON MAHSULOTLARI» Акциядорлик жамиятининг 2021 йил 31 декабр ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботидан, кўрсатилган санада тугаган йил учун фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботдандан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Компания раҳбариятининг молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлиги

Компания рахбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ тайёрлаш, шунингдек Компания рахбарияти фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг жавобгарлигимиз мазкур молиявий ҳисоботлар бўйича ўзимиз ўтказган аудит асосида фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг Халқаро стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Аудит молиявий ҳисоботларда акс эттирилган суммалар ва очиб бериладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тартиб – таомилларни бажаришни ўз ичига олади. Танланган тартиб таомиллар аудиторнинг мулоҳазасига, шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботларда юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлар таваккалчиликларига берилган баҳога боғлиқдир. Бундай таваккалчиликларни баҳолашда, компания ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида фикр билдириш мақсадида эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб – таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади. Аудит ўтказиш қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг умумий ифодаланишини баҳолашни ўз ичига олади.

Биз ўзимиз олган аудиторлик далиллари ўз аудиторлик фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикри

Бизнинг фикримизча, «OQ OLTIN DON MAHSULOTLARI» Акциядорлик жамиятининг 2021 йил 31 декабрда тугаган йил учун тақдим қилинган молиявий ҳисоботлари барча муҳим жиҳатларда Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ тайёрланган.

«FINTIME AUDIT» МЧЖ
Бош директори: З. Халкулов.